

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА МАВЛУДА РЎЗМЕТОВНА

**ҚАТОР МЕТАЛЛ НИКОТИНАТЛАРИНИНГ ТУРЛИ АМИДЛИ
КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИНИ СИНТЕЗ ВА ТАҲЛИЛ
ҚИЛИШ**

02.00.01 - Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимова Мавлуда Рўзметовна

Қатор металл никотинатларининг турли амидли координацион
бирикмаларини синтез ва таҳлил қилиш 3

Ибрагимова Мавлуда Рузметовна

Синтез и исследование разноамидных координационных соединений
никотинатов ряда металлов..... 21

Ibragimova Mavluda Ruzmetovna

Synthesis and study of heteroamidic coordination compounds of nicotinate
of a number of metals..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА МАВЛУДА РЎЗМЕТОВНА

**ҚАТОР МЕТАЛЛ НИКОТИНАТЛАРИНИНГ ТУРЛИ АМИДЛИ
КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИНИ СИНТЕЗ ВА ТАҲЛИЛ
ҚИЛИШ**

02.00.01 - Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/K51. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада ik-kimyo.nuu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизов Тохир Азизович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рафиқов Адҳам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Даминова Шахло Шариповна
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: chem0102@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети кимё факультетида ўтказилади).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Х. Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби к.ф.д.

Н. А. Парпиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
к.ф.д., профессор, академик

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ўсиб бориши, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши, глобал иқлим ўзгариши оқибатида сайёрамиз экологик ҳолатининг ёмонлашиши, ер ва сув ресурслари каби табиий неъматларнинг чекланганлиги шароитида инсониятнинг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ердан оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Экин ерлари ҳосилдорлигини пасайиб боришини бартараф этадиган, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишга хисса қўшадиган, арзон, нисбатан содда таркибли ҳамда атроф-муҳит ва истеъмолчиларга салбий таъсир кўрсатмайдиган стимуляторлар яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Жахонда ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи ва ҳосилдорликни оширувчи кимёвий воситалар синтез қилиш асосан координацион бирикмалар кимёси ҳиссасига тўғри келади. Шу туфайли полидентат лигандлар ва металл карбоксилатлари асосида янги биологик фаол бирикмалар яратишни назарий ва амалий масалаларини ечиш учун маълум таркиб ва тузилишли металлокомплексларни йўналтирилган синтез қилиш йўллари излашга катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, биологик фаол ҳисобланган никотин кислота анионлари тутган металл тузларининг амидлар билан координацион бирикмалари алоҳида эътиборлидир. Бундай бирикмалар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган макро- ва микроэлементдан ташқари витамин РР ҳам мавжуд. Витаминлар координацион бирикма таркибига кирганда уларнинг биологик фаоллиги ортади, ўсимликларда кечадиган турли хил биокимёвий жараёнларни стимуллаш хоссасини намоён этади.

Бугунги кунда Республикамизда координацион бирикмалар соҳасида илмий тадқиқотларнинг ривожланишига, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада мамлакатимизда мавжуд хом-ашёлар асосида пахта, ғалла, сабзавот ва полиз экинлари учун юқори самарали, экологик тоза, полифункционал таъсирли ўсимликларни ўстирувчи стимуляторларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисидаги» Фармони ва 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831 сон «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда металллар ва карбон кислоталар тузларининг комплекс бирикмаларини эритмаларда синтез қилиш ва физик-кимёвий таҳлил қилишга Иманакунов Б.И., Сулаймонкулов К.С., Цивадзе Г.В. Цинцадзе Г.В., Харитонов Ю.А., Б.Кол, М.Холт, Хамилтон В.С., Козлова И.А., Савинкина Е.В., Кузьмина Н.Е., Палкина К.К., Пенланд Р.Б., Рау Т.Ф., Дурсун А.К. ва бошқа машҳур олимларнинг илмий изланишлари бағишланган.

Ҳозирги кунда координацион бирикмаларни механохимёвий усулда синтез қилиш бўйича катта ҳажмдаги тажрибавий ва назарий материал тўпланган. Бу борада Hao Wu, Qiang Li, Туманов И.А., Tomislav F, Ivan H., Vjekoslav Š, Mirjana E., Robert E. D., Garay A.L, Anne P., Stuart L каби олимларнинг изланишлари алоҳида эътиборлидир.

Республикамизнинг етакчи олимлари Н.А. Парпиев, О.Ф.Ходжаев, Х.Х. Хакимов, Х.Т. Шарипов, Б.Т. Ибрагимов, Т.А.Азизов, М.А.Азизов, Кадирова Ш.К., Кадырова З.Ч. ва уларнинг ўқувчилари томонидан тиббиётда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлатилаётган қатор биологик фаол координацион бирикмалар синтез қилинган. Металларни турли тузларини органик лигандлар билан комплекс бирикмаларини олиш технологияси ишлаб чиқилган, координацион бирикмаларнинг эритмалар ва қаттиқ фазаларда ҳосил бўлиш жараёнлари ўрганилган. Синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари таҳлил қилинган. Металл карбоксилатларининг амидлар билан комплексларини ўрганиш бўйича кенг миқёсда тажриба материаллари бўлишига қарамасдан, ушбу металл никотинатларининг аралаш амидли координацион бирикмалари ўрганилмаган. Бундан ташқари, ушбу синф бирикмаларининг координацион тугуни тузилиши ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т168 «Полифункционал таъсирли, қатор металлари янги координацион бирикмаларини синтези ва тузилишини, кристалл ва электрон структураларини, реакция қобилиятларини, кимёвий ва биологик хоссаларини ўзига хосликларини илмий асосларини қайд қилиниши» (2012-2016 йй.) ва ФА-Ф7-012 «Полифункционал таъсирли янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилиши,

реакцион қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қатор металллар никотинатларининг айрим амидлар билан координацион бирикмаларини синтез қилишдан ҳамда олинган бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг ацетамид, карбамид, тиокарбамид ва никотинамид билан турли амидли координацион бирикмаларини синтез қилиш;

синтез қилинган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини таҳлилнинг физик-кимёвий усуллари билан аниқлаш;

қатор металл никотинатларининг турли амидли комплексларининг геометрияси, энергетик параметрлари ва реакция қобилиятини квант-кимёвий усуллар билан ҳисоблаш ва таҳлил илиш;

синтез қилинган координацион бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II), Zn никотинатлари, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, никотинамид.

Тадқиқот предмети синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, координацион тугун геометрияси, термик хусусиятлари, реакция қобилиятлари, электрон структураси ва биологик хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари. Элемент анализ, дифференциал термик анализ, кукунли рентген дифрактометрияси, ИҚ- ва электрон спектроскопия, квант-кимёвий ҳисоблаш усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг ацетамид, карбамид, тиокарбамид, никотинамид билан 48 та янги аралашамидли координацион бирикмалари синтез қилинган, олинган комплекс бирикмаларнинг таркиби ва индивидуаллиги аниқланган;

янги комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари комплекс ҳосил қилувчининг табиатига, органик лигандларнинг координацияланиш усулига боғлиқ эканлиги аниқланган;

илк бор Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) комплекс бирикмаларининг геометрик конфигурацияси бузилган октаэдр шаклида бўлиши исботланган;

қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи ва ҳосилдорликни оширувчи самарали стимуляторлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

механокимёвий усулларни қўллаш ҳисобига координацион бирикмалар ҳосил қилишнинг оддийроқ синтез шароитлари аниқланган;

Республика қишлоқ хўжалигида қўллаш учун тавсия қилиш мақсадида Давлат Кимё Комиссияси критериялари асосида кейинчалик ўрганилиши кўзда тутилган юқори самарали, хавфсиз стимуляторлар яратилган;

қатор икки валентли металлларнинг турли амидли комплексларини

физик-кимёвий таҳлил қилиш асосида олинган натижалардан маълумотнома сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ИҚ- ва ДЭҚС-спектроскопиялари, кукунли рентген дифрактометрияси, элемент таҳлили, дифференциал термик таҳлил (ТГ, ДТГ, ДТА), квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида олинган тажриба натижалари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қатор икки валентли металл никотинатларининг айрим кислота амидлари билан турли амидли комплекс бирикмалари синтез қилишнинг мақбул шароитлари (реакция содир бўлиш вақти ва дастлабки компонентларнинг нисбатлари) аниқланганлигида намоён бўлади. Айрим бирикмаларнинг координацион тугун тузилиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта учун юқори самарали стимуляторлик хоссасига эга бўлган бирикмалар таклиф этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Макро ва микрометаллар никотинатларининг координацион бирикмаларини синтез ва таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

СаН·К·ТК стимуляторининг биологик фаоллиги Самарқанд селекция, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-текшириш институти майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 02/23-1256-сон маълумотномаси). Натижада СаН·К·ТК стимулятори билан ишлов берилган чигитнинг униб чиқиши муддати 3–5 кунга, пахтанинг очилиш муддати 7–10 кунга қисқарган ва ҳосилдорлик 20–30 % ошиш имконини берган;

янги синтез қилинган стимуляторнинг биологик фаоллиги Самарқанд селекция, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-текшириш институти майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 02/23-1256-сон маълумотномаси). Натижада пахтанинг сифатини ва ҳосилдорлигини 1,2 баробар ошириш имконини берган;

синтез қилинган координацион бирикмалардан ОТ-Ф7-48 рақамли «Полимер материаллар сиртига иммобиланган металлар нанозаррачаларининг фазавий ўзгаришлари механизмини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида реагент сифатида оғир металл ионларини анализ қилишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 октябрдаги ФТА-02-11/908-сон маълумотномаси). Комплекс бирикмаларни толали полимер материалларга иммобилаш орқали атроф-муҳит объектларидаги оғир, захарли металларни сорбцион спектроскопик аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижасиларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Металларнинг алифатик амидлар, циклик ва гетероциклик азот тутувчи бирикмалар билан координацион бирикмаларининг ўрганилиш ҳолати»** деб номланган биринчи боби металларнинг алифатик амидлар, циклик ва гетероциклик азот тутувчи бирикмалар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг тузилиши ёритилган адабиётлар шарҳига бағишланган. Металл карбоксилатларининг амидлар билан координацион бирикмаларининг синтези, замонавий физик-кимёвий методлар асосида уларнинг тузилишини ўрганиш ҳамда қўллаш соҳасидаги мавжуд ҳолат таҳлил қилинган. Адабиёт маълумотларини танқидий таҳлил қилиш асосида диссертациянинг мақсади, вазифалари ва тадқиқот объектлари аниқланган.

Диссертациянинг **«Катор металл никотинатларининг амидлар билан координацион бирикмаларини олиш»** деб номланган иккинчи бобида Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг (Нк-Н) амидлар билан координацион бирикмалари синтези ва синтез қилинган бирикмаларнинг элемент таҳлили натижалари келтирилган.

Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг аралаш амидли координацион бирикмаларининг синтези механохимёвий усулда олиб борилган. Бунда металл никотинати, биринчи ва иккинчи лигандлар 1:1:1, 1:2:2 моль нисбатларда 30 минут давомида хона ҳароратида шарли тегирмонда ишчи қисм билан ишқаланади. Реакцион идиш ҳажми 100 мл. Барча бирикмалар ушбу усулда қаттиқ ҳолатда синтез қилинган.

Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг айрим физик хоссалари (ранги, суюқланиш ҳарорати ва сув, метанол, этанолда эрувчанлиги) аниқланган.

Диссертация учинчи бобининг «Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг турли амидли координацион бирикмаларининг рентгенфазавий анализи» номли биринчи қисмида синтез қилинган координацион бирикмаларнинг индивидуаллигини аниқлаш учун рентгенфазавий таҳлил натижалари келтирилган.



1-расм. Рентгенограммалар: а- CH_3CONH_2 , б- $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$, в- $\text{Ca}(\text{NC}_5\text{H}_4\text{COO})_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, г- $\text{Ca}(\text{NC}_5\text{H}_4\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2$

Лигандлар ва синтез қилинган бирикмаларнинг текисликларо масофаси ва нисбий сезгирлигини таққослаш учун сезгирлиги 8 % дан юқори бўлган характерли текисликларо масофалар олинган. CH_3CONH_2 (AA),

$\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ (К), $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ (ТК), $\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ (АНК), Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II), Zn никотинатларининг ва шулар асосида олинган янги координацион бирикмаларнинг текисликлараро масофалари ҳамда нисбий сезгирликлари таққосланганда улар ўзаро бир-биридан ва дастлабки моддалардан кескин фарқ қилиши аниқланган. Натижада, синтез қилинган комплекс бирикмалар индивидуал, дастлабки бирикмалардан фарқ қилувчи кристалл панжарага эга эканлиги исботланган (1-расм).

Диссертациянинг учинчи бобининг иккинчи «Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг турли амидли координацион бирикмаларининг ИҚ-спектроскопияси» қисмида эркин ҳолдаги лигандлар (ацетамид, карбамид, тиокарбамид ва никотинамид) ҳамда Ca, Mg, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг турли амидли координацион бирикмаларининг ИҚ-спектрлари олинган (жадвал 1).

ИҚ-спектрларнинг келтирилган қийматларидан кўриниб турибдики, синтез қилинган бирикмаларда координацияланган ацетамид ва карбамид молекулаларидаги $\text{C}=\text{O}$ боғнинг валент тебранишлари частотаси мос равишда $5\text{-}14\text{ см}^{-1}$ ва $7\text{-}24\text{ см}^{-1}$ га камайган, $\text{C}-\text{N}$ гуруҳнинг валент тебранишлари частотаси $5\text{-}30\text{ см}^{-1}$ ва $6\text{-}30\text{ см}^{-1}$ га ошган, бу эса ацетамид ва карбамидни марказий ион билан карбонил гуруҳининг кислород атоми орқали координацияланишини кўрсатади.

Эркин тиокарбамид молекуласида 3 та характерли $1431\text{-}\nu$ (CS), $726\text{-}\nu$ (CS) ва 621 см^{-1} $-\delta$ (CS) частоталар кузатилади. Тиокарбамид координацияланган ҳолатга ўтганда паст тебранишли соҳадаги 726 ва 621 см^{-1} $\text{C}-\text{S}$ гуруҳнинг валент ва деформацион тебранишлари частотаси мос равишда $11\text{-}60\text{ см}^{-1}$ ва $9\text{-}61\text{ см}^{-1}$ га камаяди. Тебранишдаги бундай ўзгариш тиокарбамидни марказий металл иони билан олтингугурт атоми орқали координацияланишидан далолат беради.

Никотинамиднинг эркин молекуласида халқани тебраниши 1593 см^{-1} да кузатилади, комплекс бирикмаларда бу қиймат $8\text{-}27\text{ см}^{-1}$ га ортган. 703 см^{-1} , 1028 см^{-1} га мувофиқ келадиган халқа тебранишларининг парчаланиши натижасида, частота қийматларининг мос равишда $14\text{-}61\text{ см}^{-1}$ ва $3\text{-}59\text{ см}^{-1}$ га ортиши ва пасайиши кузатилади. Бу эса никотинамид молекуласини пиридин халқасидаги азот гетероатоми орқали координацияланишини кўрсатади. $3200\text{-}3500\text{ см}^{-1}$ соҳадаги тебраниш частоталари молекулада кристаллизацион сув борлигини исботлайди. Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг инфрақизил ютилиш спектрларида $1563\text{-}1617\text{ см}^{-1}$ ва $1368\text{-}1407\text{ см}^{-1}$ сохаларда ютилиш максимумларига эга иккита сезгир полосалар мавжуд. Булар карбоксилат гуруҳининг валент ассиметрик ва симметрик тебраниш частоталарига мувофиқ келади. $1\text{:}2\text{:}2$ моль нисбатларда (металл никотинат:1лиганд:2лиганд) олинган комплекс бирикмаларда $\Delta\nu = \nu_{\text{as}}(\text{COO}^-) - \nu_{\text{s}}(\text{COO}^-)$ катталиги $170\text{-}210\text{ см}^{-1}$, бу карбоксилат гуруҳнинг монодентат координацияланишини, $1\text{:}1\text{:}1$ моль нисбатларда олинган бирикмаларда эса $\nu_{\text{as}}(\text{COO}^-) - \nu_{\text{s}}(\text{COO}^-)$ частоталар фарқи 150 см^{-1} кичик бўлади, бундай ҳолат иккита никотинат фрагментининг бидентат координацияланишини кўрсатади.

I-жадвал


Ацетамид, карбамид, тиокарбамид ва никотинамидларнинг эркин молекулалари ва уларнинг магний, кальций, марганец, кобалт (II), никел (II), мис (II) ва цинк никотинатлари билан координацион бирикмаларининг ИК-спектр ютилишдаги характерли частоталари (см⁻¹)

Соединение	AA(CH ₃ CONH ₂)		K(CO(NH ₂) ₂)		TK(CS(NH ₂) ₂)		АНК(NC ₅ H ₄ CONH ₂)			H ₂ O	ν _{as} (COO ⁻) 1500-1600 см ⁻¹	ν _s (COO ⁻) 1300-1420 см ⁻¹
	ν(CO), см ⁻¹	ν(CN), см ⁻¹	ν(CO), см ⁻¹	ν(CN), см ⁻¹	ν(CS), см ⁻¹	δ(CS), см ⁻¹	ν _K , см ⁻¹	ν _K + (CCN), см ⁻¹	δ(CO)+ δ(CCN), см ⁻¹			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Mg(Hк-H) ₂ ·AA·TK·H ₂ O	1670	1395	1685	1464	726	621	1593	1028	703	3200- 3500	1500-1600	1300-1420
Mg(Hк-H) ₂ ·AA·АНК·H ₂ O	1661	1406					1601	1047 1115	730, 643	3333	1569	1429
Mg(Hк-H) ₂ ·K·TK·H ₂ O			1661	1474	702	612				3332	1569	1397
Mg(Hк-H) ₂ ·2AA·2TK·5H ₂ O	1662	1408			702	616				3335	1595	1396
Mg(Hк-H) ₂ ·2AA·2АНК·4H ₂ O	1661	1403					1614	1096, 1047	730, 662	3335	1594	1402
Mg(Hк-H) ₂ ·2K·2TK·H ₂ O			1670	1473	715	591				3390	1606	1418
Mg(Hк-H) ₂ ·2K·2АНК·H ₂ O			1670	1474			1618	1047, 1035	728, 662	3434	1594	1397
Mg(Hк-H) ₂ ·2TK·2АНК·2H ₂ O					699	592	1610	1080, 1050	732, 676	3255	1593	1387
Ca(Hк-H) ₂ ·AA·K	1661	1404	1661	1470							1565	1404
Ca(Hк-H) ₂ ·AA·TK	1656	1407			700	602					1583	1474
Ca(Hк-H) ₂ ·K·TK			1651	1474	700	570					1565	1413
Ca(Hк-H) ₂ ·AA·АНК	1658	1406					1609	1043 1031	758, 636		1566	1415
Ca(Hк-H) ₂ ·2AA·2АНК	1653	1405					1609	1095, 1044	738, 676		1584	1405
Ca(Hк-H) ₂ ·2K·2АНК			1670	1474			1609	1043, 1031	738, 699		1583	1404
Mn(Hк-H) ₂ ·2AA·2TK·3H ₂ O	1664	1401			700	569				3361	1590	1392
Mn(Hк-H) ₂ ·2AA·2АНК·H ₂ O	1661	1422					1611	1105, 1045	736, 700	3361	1564	1394
Mn(Hк-H) ₂ ·2K·2TK·H ₂ O			1674	1474	700	586				3302	1563	1393
Mn(Hк-H) ₂ ·2TK·2АНК·H ₂ O					699	590	1610	1080, 1045	738, 656	3304	1593	1394
Co(Hк-H) ₂ ·2AA·2K·H ₂ O	1662	1406	1673	1470						3333	1590	1388


1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Co(HK-H) ₂ 2K2TK2H ₂ O			1662	1472	700	593				3338	1589	1368
Co(HK-H) ₂ 2K2AHK·3H ₂ O			1670	1474			1614	1027, 1051	754, 698	3434	1592	1389
Co(HK-H) ₂ 2TK2AHK·3H ₂ O					700	616	1611	1080, 1051	734, 656	3261	1592	1389
Ni(HK-H) ₂ 2AA2K5H ₂ O	1661	1404	1674	1474						3434	1589	1390
Ni(HK-H) ₂ 2AA2TK4H ₂ O	1663	1400			693	611				3363	1590	1391
Ni(HK-H) ₂ 2K2TK4H ₂ O			1664	1477	700	599				3345	1590	1390
Ni(HK-H) ₂ 2K2AHK2H ₂ O			1675	1473			1614	1110, 1056	764, 695	3438	1591	1390
Ni(HK-H) ₂ 2TK2AHK·H ₂ O					700	599	1611	1081, 1055	734, 664	3247	1591	1390
Cu(HK-H) ₂ 2AA2K2H ₂ O	1665	1416	1674	1471						3435	1593	1385
Cu(HK-H) ₂ 2AA2TK	1656	1416			717	585					1587	1385
Cu(HK-H) ₂ 2K2TK·H ₂ O			1655	1494	717	579				3339	1561	1385
Cu(HK-H) ₂ 2K2AHK			1673	1474			1614	1092, 1050	717, 694		1595	1385
Cu(HK-H) ₂ 2TK2AHK					695	601	1630	1091, 1049	720, 644		1561	1386
Zn(HK-H) ₂ 2AA2K·H ₂ O	1664	1415	1664	1485						3429	1617	1399
Zn(HK-H) ₂ 2AA2TK·H ₂ O	1663	1412			706	599				3406	1557	1373
Zn(HK-H) ₂ 2AA2AHK·H ₂ O	1664	1420					1616	1105, 1051	719, 651	3364	1561	1401

Диссертация учинчи бобининг «**Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг турли амидли координацион бирикмаларининг термик таҳлили**» номли учинчи қисми синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг дериватографик таҳлил усулига бағишланган.

Синтез қилинган турли лигандли координацион бирикмаларнинг термик таҳлили шуни кўрсатадики, 80-120 °С гача қиздирилганда ташқи сферадаги сув молекулаларининг чиқиб кетиши кузатилади. Ацетамидли ва карбамидли координацион бирикмаларни 150-200 °С гача қиздирилганда координацион бирикмаларнинг парчаланиши, ацетамиднинг учиб чиқиб кетиши ва карбамид молекуласининг деструкцияси кузатилади. Тиокарбамидли бирикмаларда 200 °С дан юқори ҳароратда қиздирилганда тиокарбамид H_2S , CS_2 , NH_2CN гача парчаланиб чиқиб кетиши содир бўлади. Никотинамидли координацион бирикмаларда 250-300°С никотинамиднинг декарбоксилланиши билан боғлиқ бўлган эндотермик эффектлар кузатилади. Қиздириш давом эттирилганда никотинамиднинг босқичли парчаланиши рўй беради. 400°С дан юқори ҳароратда содир бўладиган экзотермик эффектлар металл никотинатларининг парчаланиши, термолиз маҳсулотларининг ёниши ва тегишли металл оксидларининг ҳосил бўлишини кўрсатади (2- ва 3-расм).



2-расм. $Co(NH_3)_2 \cdot 2AA \cdot 2TK \cdot 2H_2O$ нинг дериватограммаси




3-расм. $Cu(NH_3)_2 \cdot 2K \cdot 2TK \cdot H_2O$ нинг дериватограммаси

Диссертациянинг учинчи бобининг тўртинчи «**Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) никотинатларининг турли амидли координацион бирикмаларининг диффуз қайтарилишининг электрон спектрлари**» қисмида марказий атомнинг координацион сонини ва координацион тугун геометриясини аниқлаш учун диффуз қайтарилишнинг электрон спектрлари ўрганилган.

Никель (II) никотинатининг қуйидаги таркибли комплекс бирикмаларини диффуз қайтарилишини электрон спектрлари қайд қилинган: $[Ni(NH_3)_2 \cdot 2AA \cdot 2АНК] \cdot 2H_2O$, $[Ni(NH_3)_2 \cdot 2K \cdot 2TK] \cdot 4H_2O$, $[Ni(NH_3)_2 \cdot 2TK \cdot 2АНК] \cdot 3H_2O$ (4-расм а). Комплекс бирикмалар юқорида келтирилган кетма-кетликда учтадан максимумга эга 25576, 16142, 10228; 26738, 16314,

10766; 26694, 16021, 10714 cm^{-1} , улар спин бўйича рухсат этилган ${}^3A_{2g}(F)$ дан ${}^3T_{2g}(F)$ га, ${}^3T_{1g}(F)$ ва ${}^3T_{1g}(P)$ ўтишларга боғлиқ.



4-расм . Диффуз қайтарилишни электрон спектрлари:
а - Ni(Hk-H)₂·2TK·2ANK·3H₂O; б - Cu(Hk-H)₂·2TK·2ANK.

$\text{Cu}(\text{Hk-H})_2 \cdot 2\text{AA} \cdot 2\text{TK}$ таркибли бирикманинг электрон спектри олтикоординацияланган $\text{Cu}(\text{II})$ комплексига тегишли $Z^2 \rightarrow X^2 - Y^2$ ва XY , XZ , $\text{YZ} \rightarrow X^2 - Y^2$ ўтишларига мувофиқ келадиган, 13929 , 19206 cm^{-1} да иккита максимум билан тавсифланади. $\text{Cu}(\text{Hk-H})_2 \cdot 2\text{K} \cdot 2\text{ANK}$ таркибли комплекс бирикманинг ДҚЭС и 13693 ва 20501 cm^{-1} да иккита максимумга эга.

$\text{Cu}(\text{НК-Н})_2 \cdot 2\text{ТК} \cdot 2\text{АНК}$ бирикма диффуз қайтарилиш спектрида d-d ўтишга мувофиқ келадиган, 13658 ва 20450 см^{-1} да иккита максимум тутади (4 расм б).

$\text{Ni}(\text{II})$ ва $\text{Cu}(\text{II})$ нинг олти координацияли координацион бирикмалари учун адабиётларда шундай маълумотлар келтирилган. Олинган спектрлар асосида Рак параметри ва Me-L боғи ковалентлик даражаси ҳисобланди.

Δ , β ва p қийматлари умумқабул қилинган усул ёрдамида аниқланди. p ни аниқлаш учун куйидаги тенгламадан фойдаланилди:

$$[6Dq - 16(Dq)^2] + (-6Dq - p)E + E^2 = 0$$

Ni^{2+} иони учун параметр $p=15B$, бу ерда B – Рак параметри, $\text{Ni}(\text{II})$ комплекслари учун эса $p=15B'$. 3P ва 3F ҳолатлар орасидаги энергиялар фарқи комплексларда ковалентлик таъсирида газсимон ион учун фарққа нисбатан пасаяди, яъни 3P ни пасайиши Me-L боғнинг ковалентлик ўлчови бўлади.

2-жадвалдан кўришиб турибдики ${}^3A_{2g} \rightarrow {}^3T_{1g}(F)$ энергиянинг ҳисобланган ва топилган қийматлари орасида фарқ мавжуд, бундай ҳолат марказий ион ва лиганд орасидаги боғнинг бироз ковалентлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида координацион тугунни октаэдрик геометриясини бузилишига олиб келади.

2-жадвал

Никель (II) никотинатининг турли лигандли координацион бирикмаларини электрон спектрларининг ҳисобланган ва топилган қийматларини таққослаш


Бирикмалар	Топилган қиймат			Аниқланган қиймат			β %	$p=15B$ В-Рак Параметри см^{-1}
	${}^3A_{2g} \rightarrow {}^3T_{2g}$	${}^3A_{2g} \rightarrow {}^3T_{1g}(F)$	${}^3A_{2g} \rightarrow {}^3T_{1g}(P)$	${}^3A_{2g} \rightarrow {}^3T_{1g}(F)$	${}^3A_{2g} \rightarrow {}^3T_{1g}(P)$	$\Delta=10Dq$		
$\text{Ni}(\text{НК-Н})_2 \cdot 2\text{АА} \cdot 2\text{АНК} \cdot 2\text{Н}_2\text{О}$	10228	16142	25576	16075	25576	10228	69,23	10967
$\text{Ni}(\text{НК-Н})_2 \cdot 2\text{К} \cdot 2\text{ТК} \cdot 4\text{Н}_2\text{О}$	10766	16314	26738	16859	26738	10766	71,33	11299
$\text{Ni}(\text{НК-Н})_2 \cdot 2\text{ТК} \cdot 2\text{АНК} \cdot 3\text{Н}_2\text{О}$	10714	16021	26694	16806	26694	10714	71,71	11358

Диссертация учинчи бобининг «Магний, марганец, кобальт, никел ва мис никотинатларининг турли амидли координацион бирикмаларининг квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари» бешинчи қисмида энергетик параметрларни, шунингдек молекула геометриясини аниқлаш мақсадида Mg , $\text{Mn}(\text{II})$, $\text{Co}(\text{II})$, $\text{Ni}(\text{II})$, $\text{Cu}(\text{II})$ ва Zn никотинатларининг амидлар билан аралашамидли координацион бирикмаларининг квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилган.

Ҳисоблашлар HyperChem 8.07 дастурида яримэмпирик усулда РМЗ олиб борилган.


Квант-кимёвий ҳисоблаш асосида айрим координацион бирикмалар учун фазовий тузилишлар тақлиф қилинган (5-расм). Координацион тугун атомлари орасидаги боғ узунликларини ҳисоблаш, лиганд молекуласидаги

электрондонор атом радиуси ортиши билан координацион боғ узунлиги ортишини кўрсатди.




5-расм. $\text{Ni}(\text{H}\kappa\text{-H})_2 \cdot 2\text{TK} \cdot 2\text{ANK} \cdot \text{H}_2\text{O}$ координацион бирикмасининг фазовий тузилиши (яққол кўриниши учун водород атомлари тушириб қолдирилган)

Марказий атом билан кислород атоми орасидаги боғ узунлиги, марказий атом билан азот ва марказий атом билан олтингугурт боғлари узунлигидан кичик бўлади (6-расм).



6-расм. $\text{Ni}(\text{H}\kappa\text{-H})_2 \cdot 2\text{TK} \cdot 2\text{ANK} \cdot \text{H}_2\text{O}$ молекуласида атомлар орасидаги боғ узунликлари (яққол кўриниши учун водород атомлари тушириб қолдирилган)

Координацион боғ ҳосил бўлиши, лигандларнинг тақсимланмаган электрон жуфтларини марказий атомга ўтиши билан боради. Бунинг натижасида марказий атом қисман манфий зарядга эга бўлиб қолади (7-расм).



7-расм. Ni(Hк-Н)₂·2ТК·2АНК·Н₂О молекула атомларида зарядларнинг тақсимланиши (яққол кўриниши учун водород атомлари тушириб қолдирилган)

Шундай қилиб, квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида координацион тугуннинг оптимал геометрияси, атомлар орасидаги боғ узунликлари, атомларда зарядларнинг қиймати, ҳосил бўлиш иссиқлиги, юқори эгалланган ва қуйи вакант молекуляр орбиталлар энергиялари аниқланди. Координацион бирикмаларни квант-кимёвий оптималлаштириш қуйи вакант ва юқори банд қилинган молекуляр орбитал энергиялари орасидаги фарқ мусбат қиймат эканлигини кўрсатди, бу эса координацион бирикмаларни нуклеофил агентларга нисбатан реакция қобилияти юқори эканлигини билдиради, хусусан карбоксилат гуруҳидаги кислород атомлари туфайли металллар билан координацион бирикма ҳосил қилиш эҳтимоли баланд ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Синтез қилинган бирикмаларнинг оптималлаштирилган параметрлари

№	Бирикма	Ҳосил бўлиш иссиқлиги	ЮБМО	ҚВМО	Δ (ҚВМО-ЮЭМО)
1.	Mg(Hк-Н) ₂ ·2К·2АНК·Н ₂ О	-626.15	-9.63	-0.57	9.06
2.	Mn(Hк-Н) ₂ ·2ТК·2АНК·Н ₂ О	-311.16	-7.47	-1.29	6.18
3.	Co(Hк-Н) ₂ ·2К·2ТК·2Н ₂ О	-308.11	-7.68	-0.83	6.85
4.	Ni(Hк-Н) ₂ ·2ТК·2АНК·Н ₂ О	-279.77	-6.84	-1.31	5.53

5.	$\text{Cu}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot 2\text{K} \cdot 2\text{TK} \cdot \text{H}_2\text{O}$	-274.3	-7.80	-1.70	6.10
6.	$\text{Zn}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot 2\text{AA} \cdot 2\text{K} \cdot \text{H}_2\text{O}$	-267.25	-10.03	-0.82	9.21

Диссертациянинг тўртинчи «**Магний ва калций никотинатларининг турли лигандли координацион бирикмаларининг биологик фаоллиги**» бобида синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилган.

Препаратлар комплекс ишлов бериш йўли билан синовдан ўтказилди: уруғларни экишдан олдин намлаш учун 0,002% ли сувли эритма, шунингдек 0,0002% ли эритма икки марта пуркаш учун ишлатилди. Биринчи пуркаш ғунчалаш бошида, иккинчиси эса гуллаш бошланишида олиб борилди. Эталон сифатида Т-86 препарати қўлланилди. Назорат сифатида стимулятор-препаратлар билан ишланмаган ўсимликлар хизмат қилди. Вегетацион тажриба схемаси ва барча агротехник тадбирлар УзНИИХ услубларига мос равишда олиб борилди.

Таққосий таҳлил кўрсатишича, стимуляторлар билан пуркалган ўсимликларда кўсақлар миқдори назорат вариантдан 3,8-12,3 кўсақ/идишга кўп бўлган. Уларни максимал миқдори **$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK}$** , **$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK}$** , **$\text{Mg}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK} \cdot \text{H}_2\text{O}$** вариантларда қайд қилинган: у 30,5; 28,6 ва 27,0 дона/идишни ташкил қилган, фон вариантда эса– 18,2 дона/идиш ва таққослаш вариантыда 20,0 дона/идиш (4-жадвал).

4 жадвал

Ўсиш стимуляторларининг пахтанинг ҳосилдорлигига таъсири

№	Вариантлар	Пахта массаси, г/4 идишда			Жами			
		1 терим	2 терим	Жами	Кўсақлар сони, дона /идиш	Бир кўсақ оғирлиги, г да	Пахта оғирлиги г/идиш	%
1	$\text{N}_{200}\text{P}_{140}\text{K}_{60}$- фон	240,7	210,6	451,3	18,2	6,2	112,83	100
2	Т-86 –контр.	277,28	202,72	480,0	20,0	6,0	122,0	106,4
3	$\text{Mg}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot \text{H}_2\text{O}$	290,7	210,9	501,6	22	5,7	125,4	111,1
4	$\text{Mg}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK} \cdot \text{H}_2\text{O}$	290,4	325,2	325,2	27,0	5,7	153,9	136,4
5	$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK}$	278,8	362	640,8	28,6	5,6	160,2	141,9
6	$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK}$	420,5	275,1	695,6	30,5	5,7	173,9	154,1

$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK}$ ва **$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK}$** стимулятор қўлланилган вариантларда ҳосил юқори бўлган: 160,9 г/идиш, 173,9 г/идиш, бу эса назорат вариантга нисбатан 41,9% ва 54,1% ни ташкил қилади. **$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK}$** билан ишлаган вариантдаги ўсимликлардан энг юқори ҳосил олинган: фон билан таққосланганда ҳосил 61,07 г/идишга ва эталон билан таққосланганда (Т-86) 53,9 г/идишга ортиқ бўлган.

Шундай қилиб, янги координацион бирикмаларни **$\text{Mg}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot \text{H}_2\text{O}$** , **$\text{Mg}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK} \cdot \text{H}_2\text{O}$** , **$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK}$** , **$\text{Ca}(\text{HK}-\text{H})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK}$** пахтанинг биометрик, фенологик ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, ғўзани ўстириш стимуляторлари сифатида тавсия қилиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Илк бор Mg, Ca, Mn(II), Co (II), Ni (II), Cu (II) ва Zn никотинатларининг ацетамид, карбамид, тиокарбамид ва никотинамид билан 48 та аралаш амидли ўстириш хусусиятига эга бўлган биологик фаол координацион бирикмалари синтез қилинган. Реакция содир бўлиш вақти ва дастлабки компонентларнинг оптимал нисбатлари, синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби аниқланган.

2. Рентгенофазавий таҳлил усули орқали эркин лиганд молекулаларининг, металл никотинатларининг ва синтез қилинган координацион бирикмаларнинг рентгенограммалари олинган. Дастлабки моддалар ва олинган бирикмаларнинг ўзаро текисликлари орасидаги масофаларини ва нисбий сезгирликларини солиштириш асосида, янги координацион бирикмаларнинг индивидуал кристалл панжарага эга эканлиги тасдиқланган.

3. Барча синтез қилинган бирикмаларнинг термик барқарорлиги тадқиқ қилинган ва термолиз маҳсулотлари аниқланган. Дериватограммалар комплекс бирикмалар таркибий қисмларининг парчаланишига мос келадиган бир неча эндо- ва экзоэффектлар билан характерланиши кўрсатиб берилган.

4. Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг ИҚ-ютилиш спектрларидаги валент, деформацион частоталарнинг ўзгариши орқали карбамид ва ацетамиднинг марказий атом билан карбонил гуруҳининг кислороди орқали, тиокарбамид ҳамда никотинамид молекулалари мос равишда олтингугурт ва пиридин халқасидаги азот атомлари орқали координацияланиши аниқланган. Сув молекулалари водород боғлар билан боғланган. Никотин кислота карбоксил гуруҳининг валент ассиметрик ва симметрик тебраниш частоталари орасидаги фарқ никотин кислота анионининг моно- ва бидентантлигини кўрсатади.

5. Диффуз қайтарилишини электрон спектрлари интенсивлиги ва полоса қиймати асосида олинган никотинатли комплекс бирикмаларда Mn(II), Co(II), Ni(II), Cu(II) олтикоординацияланган куршовда бўлиши исботланган. Кристалл майдон стабиллашиш энергияси ($10D_q$) ва электронлараро итарилиш (B') параметрлари ҳисобланган.

6. Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг ҳосил бўлиш иссиқликлари, молекулаларда зарядларларнинг тақсимланиши, атомлар орасидаги боғ узунликлари, валент бурчаклар, реакция қобилиятлари, юқори банд қилинган ва қуйи вакант молекуляр орбитал энергиялари квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари билан топилган. Марказий атом билан лиганд орасидаги боғ узунлиги лиганд таркибидаги донор атомнинг радиусига боғлиқлиги, донор атомлар тақсимланмаган электрон жуфтларининг марказий атомга ўтиши тугайли марказий атом қисман манфий зарядга эга бўлиши аниқланган.

7. Синтез қилинган турли амидли координацион бирикмаларнинг биологик фаоллигини таҳлил қилиш натижасида қишлоқ хўжалик экинларини янги ўстириш стимулятори СаНКТК аниқланган. Препаратни қўллаш чигитни униб чиқиш муддатини қисқартиради, бу эса бутун вегетатив даврни 7-10 кунга тезлаштириб, ҳосилни 4-5 ц/га га ошишига олиб келган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ИБРАГИМОВА МАВЛУДА РУЗМЕТОВНА

**СИНТЕЗ И ИССЛЕДОВАНИЕ РАЗНОАМИДНЫХ
КООРДИНАЦИОННЫХ СОЕДИНЕНИЙ НИКОТИНАТОВ РЯДА
МЕТАЛЛОВ**

02.00.01 - Неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/K51.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский(резюме)) размещен на веб-странице ученого совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и информационно-просветительском портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Азизов Тохир Азизович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рафиков Адхам Салимович
доктор химических наук, профессор

Даминова Шахло Шариповна
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в «___» часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-53-21, 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru Химический факультет Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №___ 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(протокол рассылки №__ от _____ 2018 года

Х.Т. Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

Н.А.Парпиев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.х.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в условиях роста населения мира, быстрого развития индустрии, ухудшения экологической ситуации, вследствие глобальной деградации окружающей среды, в ограниченных природных ресурсах, таких как водные и земельные ресурсы, повышение спроса продуктов питания и сельскохозяйственной продукции, огромное значение уделяется к увеличению урожайности сельскохозяйственных культур за счет улучшения мелиорации и плодородия почв. Одним из значительных проблем является создание таких стимуляторов как устраняющие снижение урожайности посевных земель, способствующие повышению урожайности сельскохозяйственных культур, относительно простых и дешевых, не оказывающие отрицательного воздействия на окружающую среду и потребителей.

В мире синтез химических веществ, ускоряющих рост растений и повышающих урожайность, во многом вкладывается на долю химии координационных соединений. В связи с этим представляется важным и актуальным поиск путей направленного синтеза новых биологически активных веществ на основе полидентантных лигандов и карбоксилатов металлов определенного состава и строения для решения теоретических и практических задач. Особенно, координационные соединения солей металлов содержащие анионы никотиновой кислоты с амидами приобретают важную роль. Такие соединения в своём составе содержат кроме необходимых для растений макро-, микроэлементов и витаминов РР. Витамины находясь в составе таких соединений обнаруживают высокую биологическую активность и могут катализировать различные биохимические процессы.

На сегодняшний день в Республике уделяется большое внимание развитию научных исследований в области координационной химии, производства новых видов продукции и их реализации. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора». В этом направлении создание высокоэффективных, экологически безопасных препаратов полифункционального действия для хлопчатника, зерновых, бахчевых и овощных культур на основе местного сырья имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, Указа Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, и в Постановление от 14 марта 2017 года № ПП-2831 «О дополнительных мерах по повышению эффективности проектных работ в базовых отраслях экономики», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мире научным исследованиям по синтезу и физико-химическому исследованию координационных соединений металлов и солей карбоновых кислот с амидами в растворе были посвящены работы выдающихся учёных как Иманакунова Б.И., Сулаймонкулова К.С., Цивадзе Г.В., Цинцадзе Г.В., Харитонов Ю.А., Б.Кол, М.Холт, Хамилтон В.С., Козловой И.А., Савинкина Е.В., Кузьмина Н.Е., Палкина К.К., Пенланд Р.Б., Рау Т.Ф., Дурсун А.К. и др.

К настоящему времени накоплен огромный экспериментальный и теоретический материал по синтезу координационных соединений механохимическим способом. В этой сфере особое внимание привлекает исследования Hao WU, Qiang LI, Туманов И.А., Tomislav F, Ivan H., Vjekoslav Š, Mirjana E., Robert E. D., Garay A.L, Anne P., Stuart L.

